ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

17 (347)

2003 йил 30 апрель

Чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Маҳалланинг нуфузи ...
- Қалбаки ҳужжатнинг «қийиғи» чиқди!

3
- Қўшнилар қалбидаги жароҳат.
- Бир гиёҳдан келган минг бало...

4
- F.Ғулом Навоийни яхши тушунган.
- «Гамлет» билан юзма-юз.

Шу йил 4-5 май кунлари дунёнинг энг нуфузли молия ташкилотларидан бири - Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши жаҳон миқёсидаги муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиздир.

МЕҲМОНХОНАЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Қайта таъмирланган меҳмонхоналар билан танишув пайти.

Мамлакатимиз ҳаёти да катта аҳамият касб этувчи ушбу анжуманга пойтахтимизда кенг кўламда тайёргарлик кўрилди. Хусусан, бу халқаро анжуманга ташриф буюрадиган меҳмонларни муносиб кутиб олиш мақсадида шаҳар меҳмонхоналари хўжалигини янада такомиллаштириш, янги меҳмонхоналар барпо этиш ва мавжудларини жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 апрель куни мамлакатимиз пойтахтидаги таъмирдан чиқарилган ва янги қурилган меҳмонхоналар билан танишди.

«Гранд Мир» /аввалги «Россия»/ - таъмирдан чиққан ана шундай меҳмонхоналардан бири. Бунинг учун Туркиянинг «Демир груп» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. Низом жамғармаси салкам 4 миллион АҚШ долларидан иборат мазкур қўшма корхона томонидан қисқа фурсатда амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижаси ўлароқ, эски меҳмонхона ўрнида етти қаватли, 126 номер, уч ресторан ва бошқа қулайликларга эга замонавий тўрт юлдузли меҳмонхона барпо этилди.

Президентимиз бу ерда меҳмонлар учун яратилган шароит билан танишди, меҳмонхона мутасаддилари билан мулоқотда бўлди. Пойтахтимиздаги «Тошкент» меҳмонхонасининг биноси ҳам таъмирдан кейин ўзгача ҳусн ва тароват касб этди. «Ле Меридиан-Тошкент палас» деб номланган мазкур тўрт юлдузли меҳмонхона 260 номердан иборат. Уни таъмирлашда Туркиянинг «Айсел» компанияси муносиб ҳисса қўшди. Меҳмонхона фаолиятини бошқариш юзасидан Буюк Британиянинг «Ле Меридиан» компанияси билан шартнома тузилган. Юртбошимиз бу ердаги замонавий жиҳозланган шинам хоналар, фитнес-марказ, бассейн ва дўконларни кўздан кечирди.

Ислом Каримов «Дўстлик» меҳмонхонаси ўрнида қад ростлаган «Дедеман Силк Роад-Тошкент» меҳмонхонасида ҳам бўлди. Бу ердаги қулай жиҳозланган хоналар, ресторан, барлар, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, бассейнни кўрди. Ушбу тўрт юлдузли, 206 номердан иборат меҳмонхонани таъмирлашда Туркиянинг «Апеас» компанияси билан тузилган қўшма корхона фаолият кўрсатди. Уни бошқаришни Туркиянинг «Дедеман» компанияси ўз зиммасига олган.

- Яқиндагина бу ер ташландиқ жой эди, қисқа фурсат ичида пойтахтимиз ҳуснига кўрк қўшиб турган шундай гўзал бино бунёд бўлди,- деди Юртбошимиз Амир Темур кўчасидаги «Тошкент-Лэнд» рўпарасида қад ростлаган 115 номерли «Радиссон САС-Тошкент» меҳмонхонаси билан танишув чоғида. - Хорижликлардан ўрганган ибратли тажрибамиз ҳисобига бугун юртимизда янги соҳа - меҳмонхона бизнеси шаклланаётгани қувонарлидир. Келгусида мана шундай шинам, гўзал ва қулай меҳмонхоналарни нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам барпо этмоғимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда бундай улкан ишларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди.

Мазкур меҳмонхоналарни таъмирлаш, янгиларини қуриш, атрофини ободонлаштириш, кўча ва хиёбонларни безаш, пойтахтимизда ўтадиган йирик халқаро анжуманга тайёргарлик ишларида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳиссаси катта.

(ЎзА)



Пойтахтимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилган меҳмонхоналар анжуман қатнашчиларига мунтазир.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

● Анжуман арафасидаги ўйлар

"БАЛИҚ ЭМАС, ҚАРМОҚ ОЛИНГ"

Ватанимиз пойтахти Тошкент дунёнинг мана-ман деган шаҳарлари орасида ўзига хос гўзаллиги, сўлим табиати, кенг кўчалари билан ажралиб туради. Айниқса, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида бу шаҳар таниб бўлмас даражада чирой очади. Биз бунга ўрганиб қолганмиз.Бироқ, не ажабки, бугун ҳам Тошкент сулув келинчаклардек безанган. Бунинг боиси бор, албатта. У ҳам бўлса ота-боболаримиздан мерос миллий одатимиз – меҳмон кутиш тадориги. Зеро, Шарқ дарвозаси дея таърифланадиган шаҳримиз меҳмондўстлиги билан тилларга тушган.

Маълумки, шу йилнинг 4-5 май кунлари Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) XII йиллик мажлиси ўтказилади. Бу анжуманнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Айрим хориж матбуот нашрларининг Ўзбекистон пойтахти май ойининг дастлабки кунларида жаҳоннинг молиявий марказларидан бирига айланади, деб ёзаётгани боиси ҳам балки шундандир.

Нима бўлганда ҳам, ушбу нуфузли анжуманнинг бизнинг юртимизда ўтказилиши - катта шараф. Чунки ЕТТБнинг тартиб-қоидаларига кўра, банкирларнинг бу галги йиғилиши Лондонда ўтказилиши керак эди. Муҳим тадбирнинг Тошкентга ишониб топширилганининг сабабини Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши кураш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қатъий йўли, республикамизда сармоядорлар учун яратилган шароит ва имкониятлардан изласак, тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йили аъзо бўлган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас юртимизда шу банк молиялаштирган дастлабки лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилгани бундай ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам жуда катта манфаат кўришидан далолат берди.

Молиявий ташкилотлар, хусусан кредитлаш жараёни ҳақида гап кетганда кўпчилик қуйидаги ривоятнома суҳбатни эслайди.

Бир киши бадавлат танишидан озгина пул сўрабди.

- Хўш, бу пулни нима қилмоқчисиз?

- Фарзандларим анчадан бери балиқ ейиш орзусида. Шунинг учун керак. Қўрқманг, кеча-кундуз ишлаб бўлса ҳам қарзимни албатта вақтида узаман.

- Майли қарз бераман, фақат унга балиқ эмас, қармоқ олсангиз.

- Мақсадингизни тушунмадим.

- Ўша қармоқ ёрдамида бир кунда беш-олтита балиқ тута оласиз, тўғрими?

- Ҳа

- Шундан иккитасини болаларингизга егуликкa, биттасини менга ажратасиз. Қолганини бозорга чиқариб сотиб, рўзғорингизга зарур бошқа нарсаларни ҳам харид қиласиз. Қармоқ эса тирикчилигингизни таъминловчи восита сифатида ёнингизга қолади. Энди тушунгандирсиз...

Бугунгача Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистонда 1,4 миллиард доллар миқдоридаги 20 та лойиҳа амалга оширилди. Умумий ҳажми 320 миллион долларни ташкил этувчи яна 8 та лойиҳа эса ҳаётга тадбиқ этилиш арафасида турибди.

Лойиҳаларни молиялаштиришда асосий эътибор мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини кўпайтириш, ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётгани бежиз эмас. Узоқни кўзлаб қилинаётган ана шундай ишлар натижасида қанчадан-қанча кичик тадбиркорларимиз "қармоқ" – замонавий технология ва зарур дастгоҳу жиҳозларга эга бўлишди.

ЕТТБнинг Тошкент анжуманини эса ўз бизнесини ташкил қилиш истагида юрган кўплаб ишбилармон юртдошларимизга янги имкониятлар эшигини очиши тайин. Чунки улар анжуман давомида 60 га яқин давлатлар расмий делегациялари, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтларининг раҳбарлари билан учрашишлари, ўз режалари, дастурлари ҳақида фикрлашиб олишлари мумкин.

Дарвоқе, юқорида айтиб ўтилган гурунгдаги бадавлат киши образи жаҳоннинг йирик банк ва фирмаларига жуда ўхшайди. Улар, аввало, сармоя киритиладиган мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий имкониятларни, бу ердаги тинчлик-осойишталик кафолатларини обдон таҳлил қилишади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистонда мавжуд имкониятлар ЕТТБни қанчалик қизиқтиришини билиб олиш қийин эмас. Чунки бугун битта "қармоқ" олиш учун ётқизилган сармоя эртага ўн ҳисса бўлиб қайтади. Ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдай манфаат топади, деганлари шу эмасми?

А.АҲМЕДОВ.

120 - кун

Муносабат:

"Қишлоқ фуқаролар йиғини... керакми?"

16 апрель, 23 апрель сонларида

Ягона маҳалла тизими бўлса...

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси хонасига кириб келган аёл савдо дўконларида меъёрлашган саккиз хил товарларнинг йўқлиги, борлари ҳам бозор нархидан қимматлигини айтиб, буни назоратга олишларини илтимос қилди.

- Опажон, буни маҳалангиз раисига айтинг. Шуғуллансин. Ахир у ҳам раис.

- Гапингиз тўғри-куя, лекин айтавериб жағимиз толди. Кеча учраб, яна шу ҳақда оғиз очган эдик, мендан катта қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бор, унга учрасаларинг ишларинг тезроқ битади деган гапни айтди.

- Бориб яна айтинг, маҳалла раислиги нонини егандан кейин масалани ҳам ҳал қилсин. Мени ишим ҳам ўзимга етиб ортади.

Раис хонасидан хомуш чиққан аёл нима қиларини билмай ўйланиб қолди. «Маҳалла фуқаролар йиғинига борсам ундай деса, қишлоқ фуқаролар йиғинига келсам бундай деса, икки ўртада бошим қотди. Нима қилиш керак?»

Одамларни бундай овора қилиш кейинги вақтларда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари билан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида одат тусига кириб бораётганига хизмат сафарим даврида кўп марта гувоҳ бўлдим. Бундан норози бўлган фуқаролар баъзан "бундай қўш ҳокимиятчилик кимга керак", деган ҳақли эътирозларни ҳам билдиришяпти.

Шу нуқтаи назардан қараганда "Mahalla" газетаси "Қишлоқ фуқаролар йиғини ... керакми?" деган мунозарани кўпчилик муҳокамасига ташлаб тўғри иш қилди.

Тан олиш керак, айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари маҳалла фуқаролар йиғинлари ишига тўсқинлик қилаётгани ҳам сир эмас. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фақатгина 18 ёшгача бўлган болаларга, икки ёшгача боласи бор оналарга пул бериш, қийналган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳужжатларини расмийлаштириш билан, унинг раиси эса тўй-маъракалар тепасида туриб уни ўтказиш билангина шуғулланишаяпти. Туманларда бўлган йиғилишларга ҳамма вақт ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари чақирилмайди. Кўп топшириқлар уларга қишлоқ фуқаролар йиғини раиси орқали берилади ва ундан талаб қилинади.

Фарғона вилояти туманларида яна битта ҳолат кўзга ташланади: 1997 йили вилоятда 163 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 951 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил қилинган. Ўша пайтда қишлоқ фуқаролар йиғини идораси жойлашган 163 та маҳалла фуқаролар йиғинига бу маҳаллани қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўзи бошқаради дейилиб, маош олиб ишлайдиган раис ва котиблик штати берилмаган. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошидаги бу маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам ўз номига, айримлари ҳатто ўзининг муҳри ва тамғасига эга. Бу ҳолат ҳозиргача сақланиб келяпти. Бу маҳаллаларни бугунги кунда ҳам қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ўзлари бошқаряпти. Баъзан фуқароларга берилган маълумотномалар остида "... қишлоқ ва ... маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси" деган ёзув пайдо бўлиб қолади. Бундай ҳолат қўш ҳокимиятчиликни тасдиқлайди-ку!

Бас шундай экан, "қишлоқ фуқаролар йиғини" деган номни сақлаб туришимизга ҳожат борми? Менимча йўқ. Ягона маҳалла тизимини, маҳалла деган номни қолдирган маъқул.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Муносабат:

«Қабоҳат»

Тошкент вилояти

19 апрель сонида

Бекобод шаҳрида шаҳардаги маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фаоллари, тарбиячи-педагоглар, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоятдаги ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш газетамизнинг 19 апрель сонида чоп этилган «Қабоҳат» номли мақола муҳокамасига бағишланди.

МУҚАРРАР ЖАЗО

Йиғилишда маҳаллаларнинг оқсоқоллари сўзга чиқиб, мақолада тафсилоти ёритилган аянчли воқеанинг шаҳар аҳлини жунбушга келтиргани, бутун республикага салбий донг таратишига сабаб бўлгани афсус ила таъкидладилар. «Нафс балосига йўлиққан қотилларнинг қилмиши туфайли бир оила барбод бўлиб, бегуноҳ икки инсон - она-бола ҳаётдан кўз юмгани ҳеч бир кечириб бўлмайдиган ёвузликдир! Бу ёвузликни амалга оширган қотилларнинг энг олий жазога лойиқ деб топилиши шу ерга йиғилган бекободликлар томонидан ҳақли жазо деб эътироф этилди. Токи ҳар қандай ёвузлик жазосиз қолмаслиги орамизда учраб турадиган айрим жаҳолатли кишиларга ибрат бўлсин!» деган сўзларни ҳар бир сўзга чиқувчи такрор-такрор эътироф этди.

Йиғилиш иштирокчилари шаҳардаги маҳаллаларда ёшлар тарбиясига эътиборни, посбонлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш борасидан қўшимча чора-тадбирларни белгилаш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Таҳририят

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлигида

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.

Тел/Факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ИРОҚДА ЎТИШ ДАВРИ ҲУКУМАТИ ТУЗИЛАДИ

Ироқда иқтисодиётни тиклаш, ўтиш даври ҳукуматини таркиб топтириш борасидаги ҳаракатлар давом этмоқда.

Куни кеча Бағдодда ўтиш даври ҳукуматини ташкил этиш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда турли сиёсий гуруҳлардан 250 дан ортиқ вакил иштирок этди. Учрашувда узоқ йиллар давомида хорижда яшаган ироқликлар ҳам иштирок этди. Ўн соатга чўзилган муҳокама якунида тўрт ҳафтадан кейин Ироқнинг ўтиш даври ҳукуматини тузишга қаратилган миллий конференция ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

Учрашув баҳсларга бой бўлди. Чунки вакилларнинг бир қисми тўрт ҳафталик муддат мақсадга мувофиқ эмаслигини айтиб, айримлар эса ҳукумат ташкил этиш учун икки ҳафта кифоя қилишини таъкидлаган. Шундай бўлса-да, учрашув якунида овоз бериш йўли билан кўпчилик тўрт ҳафталик муддат маъқул эканини тасдиқлади.

Учрашув давомида айрим масалаларда қарашлар турлича экани ҳам кўзга ташланди. Масалан, вакиллар ўртасида ўтиш даври ҳукуматини тузишда АҚШнинг тутадиган ўрни борасида баҳслар бўлди. Хориждан келган ироқликларнинг фикрича, ўтиш даврида Ироқни ироқликларнинг ўзлари бошқариши керак. Саддам Ҳусайн даврида ҳам мамлакатни тарк этмаган ироқликлар эса Ироқ ҳаётида ва сайловлар ўтказишда АҚШ фаол иштирок этишини маъқулламоқда. Чунки, улар Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгандан кейин Ватанига қайтган ироқликларга унчалик ишонч билдирмаяпти.

Ҳозирча Ироқнинг вақтли маъмуриятига Пентагон томонидан тайинланган истеъфодаги генерал Жеем Гарнер раҳбарлик қилмоқда. Бироқ яқин орада Ироқнинг вақтли маъмурияти фуқаролик бошқарувига ўтиши мумкин. Вашингтонда чоп этиладиган «Ю.С. ньюс энд уорлд рипорт» ҳафталигининг ёзишича, Оқ уйда Ироқни тиклаш дастурини назорат қилиш учун янги фуқаро раҳбар тайинлаш режаси тайёрланмоқда. Агар ушбу режа амалга ошса, Ироқни қайта тиклаш жараёнига раҳбарлик қилиш ҳуқуқини АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси қўлга киритади, деб ёзади газета. Чунки, Пентагон томонидан тайинланган Жеем Гарнер ушбу жараённинг техник томонлари билан шуғулланмоқда. Бироқ янги ҳукумат тузишга қарбий эмас, аксинча тажрибали дипломат ёрдам бериши керак.

АҚШ маъмурияти Ироқни тиклашда фақат сиёсий омиллар билан чекланиб қолмай, мамлакат иқтисодиётини қайта жонлаштириш учун ҳам зарур чоралар кўраётир. «Уолл-стрит жорнэл» газетасининг ёзишича, АҚШ Ироқни вақтинчалик бож тўловларидан ҳоли ҳудудга айлантиришни режалаштирмоқда. Ушбу ғоя АҚШ мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Ироқни қайта тиклаш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бошқармасида кўриб чиқилмоқда. Мазкур режа ҳаётга жорий қилинса, Ироқда камида уч ой бож тўловлари бекор қилинади. Натижада мамлакатга хориждан товар келиши жадаллашиб, иқтисодиётнинг барқарорлашувига ёрдам беради.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

● Ободнома

МАҲАЛЛА НАЗАРИЯСИ

Бугун юртимизда маҳалла ҳақида ўз саҳифасида мақолалар ёритмаётган нашр, кўрсатув тайёрламаётган телеканал, эшиттириш узатилмаётган радио таҳририятини учратиш мушкул. Бугун ҳар бир юртдошимиз маҳалла мавзусидаги тадбирларда иштирок этаяпти. Бунинг боисини биз яхши биламиз. Зотан мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган Обод маҳалла йилининг асл моҳияти ва ундан келиб чиқадиган ҳар биримизнинг масъулият ҳисси бу.

Агар биз йилимизнинг шундай аталиши билан боғлиқ ҳолда бугунгача эълон қилинган расмий ҳужжатларни синчков ўрганадиган бўлсак, маҳалланинг бугун дунёда ҳеч бир қиёси бўлмаган фуқаролик жамиятига асос бўла оладиган демократик тамойилларга мос институт, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг ёрқин кўриниши, назорат тартибининг янгича, аниқроғи аҳоли назоратини йўлга қўя оладиган, давлат органлари тизимига кирмайдиган тизим сифатидаги фаолиятини тасаввур қилишимиз зарур бўлади. Буни нима учун таъкидлаяпмиз? Афсуски, кўпгина ҳамкасбларимиз муносабатида, уюштирилаётган тадбирларда Обод маҳалла йилининг бундай юқори савиядаги бош мақсади унутилиб қўйилаяпти. Маҳалла ва унинг атрофидаги фаолларнинг бундан анча бурунги, аниқроғи маҳалланинг бу даражада ижтимоий, сиёсий моҳият касб этмасдан аввалги фаолиятига ўхшаш тажрибалар, мулоҳазалар, ибратли ишлар атрофида фикр юритилмоқда. Айтайлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, оила муаммоси, одоб-ахлоқ мавзулари, булар аслида ҳам маҳаллага оид ишлар. Шунингдек, оқсоқолнинг ярим тунда кўнгилсиз ҳолат юз берган оилага етиб бориши, тўй-маъраканинг бошида бўлиши, келишмай қолган оилани тинчитиши кабилар аввалдан ҳам бор гап ва булар унинг фаолиятидан четга сурилмайди. Умуман, Обод маҳалла йили муносабати билан маҳалланинг нуфузи қай даражага етди ва қай даражада бўлиши керак?

Шу нуқтаи назардан қараб "Маҳалла назарияси" рукнини очдик.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Халқчил жамият - ҳаёт тақозоси

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз маҳалланинг муқаддаслиги, куч-қудрати, салоҳиятига тўла ишонган ҳолда унинг аҳамиятига юксак баҳо бериб, мавқеи ва қаддини тиклаш чора-тадбирини кўриб келмоқда.

2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам ана шу эътиборнинг мантиқий давомидир. Айни вақтда Президентимиз маҳаллани жамоа бўлиб яшашнинг Ўзбекистонга хос, жаҳон демократик, ўзини ўзи бошқариш тизимларига мос халқчил, нодир бирламчи идора сифатида қадрлаб, унинг бетакрор моҳиятини назарий ҳам амалий жиҳатдан теран асослаб берди. Шу билан бирга маҳалланинг дунё давлатчилиги ва жамият қурилиши тажрибасида биринчи марта янги, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятининг метин пойдевори, мустаҳкам таянчи деб белгилаб, адолатли, ҳалол бошқарувга асосланган холис, беминнат озчиликнинг кўпчиликка қулоқ солишига, сансалорсиз нақд ечимга ўрганган халқимизнинг асрий орзусини, иродасини рўёбга чиқарди.

Маҳалла аҳли бундан рағбатланиб, республика миқёсида ҳамжиҳат улкан бир маҳалла бўлиб, "қамишдан бел боғлаб" мустақилликни мустаҳкамлашга отланди, абадиятга дахлдор оқилона кучли давлатдан - кучли жамият сари ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг фидойи ижрочисига айланди. Унинг ижобатига қаратилган, ўзини ўзи бошқариш органларининг - маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузини кўтаришни таъминлайдиган Конституция, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла идораларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент Фармонлари, қарор ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ҳам моддий, ҳам маънавий мадад берилиши қисқа вақтда бу соҳада беқиёс ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Маҳалла шарқона демократик институт даражасида шаклланди. Билимли, тажрибали, доно, зукко оқсоқоллар билан мустаҳкамланди. Дунёда таъсирли, нодир бирламчи бошқарув тизим сифатида тан олинди.

Ҳозирги кунда бу жараён тобора чуқурлашиб, такомиллашиб бормоқда. XXI асрда янги ҳаёт, янги жамият қурилиши навбатдаги босқичга кўтарилар экан, барча жабҳаларда бўлганидек, маҳаллалар олдига ҳам янги вазифалар қўймоқда.

Янги пойдевор

Маҳалла, қишлоқ, овул, шаҳарча фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг бўлим ва бўлинмалари фаолиятларини ҳар жиҳатдан замон талаблари даражасига кўтариш билан, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатларини эркинлаштириш, боқимандаликдан, қарамликдан қутилтириш, такомиллаштириш асосий долзарб масала бўлиб қолди.

Асрлар оша ҳаёт синовларидан ўтиб, яшаб келаётган, ўзбек халқининг ақл-заковати, доно даҳоси ихтироси бўлган маҳаллани эл-улус жон-дили, теран тафаккури билан онгли равишда қўллаб-қувватлаб, фуқаролар манфаатларини ифода этувчи, уларни яқиндан ҳимоя қилувчи, миллатимизни яхлит ҳулқ-одоб, истиқлол умумғояси, миллий мафкура, маслак доирасида бирлаштирувчи муҳим ижтимоий тизим сифатида қадрлаб, авайлаб - асраб, такомиллашган обод маҳалла ҳаракатини бошлаб юборди. Эндиликда маҳалла Юртбошимиз айтганларидек бизнинг келажагимиз, Ўзбекистон халқининг ҳаётини тубдан ўзгартиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиз бўлган ишончли кучдир.



Мустаҳкам тизим нуфузи

Маҳаллани олий мақомга кўтариш бирданига ўз-ўзидан бўлмайди албатта. Бу борада кўзланган ниятлар босқичма-босқич амалга ошади. Бунинг учун маҳалланинг нуфузини амалда янада кўтаришимиз зарур. Тобора кенг қулоч ёзиб бораётган эркинлик, ташаббускорлик, ҳар кимнинг бор имкониятини юзага чиқариш, бошқарувда жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини астойдил таъминлаш - маҳалла ҳаракатини назарий ҳамда амалий жиҳатдан янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларида бу вазифани алоҳида таъкидлаганлар: "Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли, келажак тараққиётимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада бизда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси, бу ғоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги-янги қирраларини очиб бериш барамиз ният қилганларидек, ҳокимият халқ қўлига ўтади. Давлатга бевосита жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳозирги маҳалла комиссиялари заминидан ўсиб чиқадиган кенгашлар, бўлимлар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали раҳбарлик қилинади.

Бизнингча, янги жамият шу тарзда ўз рўёсини кўрсатади. Олимларимиз, мутахассислар, амалиётчиларимиз бу борада яна ўз фикрларини айтишар. Ўйлаймизки, илгари суриладиган такомиллашган жамиятнинг, обод маҳалланинг моҳияти ҳам, олий мақсади ҳам шунда.

Бугун маҳалланинг, оқсоқолнинг ҳуқуқларига монеълик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозир ва келажакда юзимизни ёруғ қиладиган, мухтасар қилиб таърифласак - маҳалла рўй-рост қад кўтаради. Мамлакатда, Юртбошимиз раҳнамолигида, ҳокимият органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонунни янги талаблар асосида янада тўлдириш, жамоат идоралари ҳамма бўғинларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, ўзаро боғлиқ томонларини бир ипга тизиб, уларнинг фаолиятини бирлаштирувчи, йўналтириб турувчи, муайян соҳаларни олиб борувчи ягона мустаҳкам тизим сифатида шакллантириш даркор. Аниқроқ қилиб айтсак, бизнингча ушбу Қонуннинг 17-моддасида қайд этилган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика Оқсоқоллар Кенгаши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузиш масаласини тўла ҳал этиш, амалда қўллаш зарур. Зеро, бу борада, республика Адлия вазирлиги ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда дастлабки дадил қадамни қўйиб, ижобий ишни бошлаган. 1999 йил 6 ноябрида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгашининг таъсис қурултойида унинг Низоми ҳам тасдиқланган. Учинчидан, ушбу жамоат ташкилотининг Ўзбекистондаги мавжуд бўлган давлат бошқарув девонининг ўзаги ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва назорат қилувчи ҳамда унга бўйсунган бўғинлар билан ҳамжиҳат ишлашини таъминлаш механизмини яратишга эҳтиёж сезилмоқда. Уни кучга киритиш учун, бизнингча, алоҳида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг ҳуқуқий ҳужжатини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳалла маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди

Тўғри, бугун маҳалла идоралари раислари фуқаролар манфаатларини кўзлаб, эзгу ният билан қайси идора, ташкилотга бормасин мутасадди ходимлар, раҳбарлар пешвоз чиқиб, амалий ёрдам кўрсатишга интиладилар. Зеро, кўпчилик маҳалла оқсоқоллари шундай муомалага лойиқдирлар ҳам. Оилада отанинг ўрни ва ҳурмати қай даражада улуғланса, маҳалланинг муносиб отаси - оқсоқолнинг ҳам обрў-эътибори, мартабаси, таъсири шунча юқори, маҳалла отанонанг, деган мукаддас номга муносиб. Лекин, умуман олганда, баъзи масалаларда, жойларда маҳалла оқсоқоли маҳаллага муносиб ҳаёт талабларидан орқада қолаётгандек. Баъзи туман ҳамда маҳаллаларда ҳамон собиқ шўролар тузуми вақтида кўникиб қолинган кайфиятлардан тўла мусаффо бўлолмаётганимиз ҳам, давлат манфаатларининг мутлоқ устунлигига асосланган ёндашувлардан воз кечолмаслик ҳам учраб турибди. Маҳалланинг ҳуқуқий мақомини асослашга, бошқарув тизимидаги ўрни, жамоат ташкилоти сифатида нуфузини кўтаришга давлат даражасида катта аҳамият берилаётгани ҳолда, тегишли ваколатларни уларга топшириш масаласида ечимини кутиб ётган муаммолар оз эмас. Маҳалланинг тарихи, ривожи ва истиқболини илмий жиҳатдан етарли ўрганмай туриб белгиланган вазифаларни амалга ошириш қийин. Айрим низомлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳаётимиз тақозо этаётган ўзига хос туб ўзгаришларни қамраб ололмаётгани, бу ҳужжатларда маҳаллаларнинг маъно-мазмуни моҳиятан мужассам ҳолда ҳар томонлама, чуқур акс эттирилмаганлиги иш жараёнида муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек, маҳалла бошқаруви, фаолияти билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласининг олий таълим тизимига қаратилмаганлиги, маҳалла фаолиятини молиялаштириш муаммоси тўла ечилмаганлиги ва бошқа шу каби муҳим масалаларнинг ҳал этилмай келинаётгани панд бериб турибди.

(Давоми бор)

● Йиғин идорасида

НАФАҚА ПУЛИ: У КИМНИНГ НАСИБАСИ?

Агар тазбир жоиз бўлса, умрни инсон ихтиёрига берилган вақтинча сармояга ўхшатиш мумкин. Ақлли кишилар ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Аниқроқ қилиб айтганда, бу қисқа умр муддатини эзгулик ва хайрихоҳликка, ўзини ва бошқаларни комил инсон қилиб тарбиялашга сарфлайдилар. Лекин, пок виждон, иймон деган табаррук неъмат ҳаммага ҳам берилавермас экан. Зеро, қарийб қирқ ёшни қоралаб қўйган Самарқанд шаҳар Завод кўчаси 6-уйда яшовчи Хонум Муродова ўз манфаати йўлида нима ишлар қилганига эътибор беринг-а:

Х.Муродова Самарқанд туманидаги "Барака" ижара хўжалигида ишловчи қариндоши К.Муродов билан ўзаро тил бириктириб, ўзи ва турмуш ўртоғи Л.Муродов номига гўё улар ижара хўжалигида меҳнат қилаётгандай қилиб, ҳужжат оладилар. Унга хўжалик штампи, думалоқ муҳри ва жимжимадор қалбаки имзо қўйилиб, эр-хотин яшаётган К.Суюнов номли маҳалла фуқаролар йиғинининг нафақа тайинлаш комиссиясига тақдим этилади. Мақсад - ана шундай қинғир йўл билан тўрт нафар фарзандига нафақа ундиришдан иборат эди. Буни қарангки, комиссия раиси ҳам аризачининг гапсўзларига чиппа-чин ишониб, тақдим этилган ҳужжатни сохта ёки сохта эмаслигини текшириб ҳам ўтирмай, давлат бюджетидан бериладиган нафақани Хонумга армуғон этиб юбораверади. Агар у бу пулни ўз киссасидан берганда эди, ҳужжатни қирқта чиғириқдан ўтказган бўларди.

Қисқаси, Х.Муродова ўз муддаосига осонгина эришгач, 2001 йил август ойидан кейинги йилнинг 1 январига қадар 16 ёшга етмаган тўрт нафар фарзанди учун давлат ҳисобидан 30 минг 10 сўм, 2002 йилда эса 28812 сўм - жами 58822 сўмлик нафақани қўлга киритишга эришади.

Суд жараёнида гувоҳ сифатида иштирок этган "Барака" ижара хўжалигининг бош ҳисобчиси З.Жайнаров: Х.Муродовага ким 7225 сўм иш ҳақи ёзганлиги ва ким томонидан маошлар қайд қилинадиган дафтарга бу ҳақда ёзиб қўйилганини билмаслиги, штамп ва муҳрни ҳам у қўймаганини айтиб, сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қилди. Ваҳоланки, иш ҳақи дафтари агар сейфда турса унинг калити қаерда сақланиши ва шу каби саволларга жавоб беролмади.

К.Суюнов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Мустафоев эса Х.Муродова томонидан тақдим этилган маълумотноманинг сохта эканлигини прокуратура текшируви пайтидагина билганлигини эътироф этган. Қизиқ, ундан олдин нега хабари бўлмади экан? Зотан, оқсоқол маҳалла ҳудудида яшовчи фуқаронинг яшаш тарзи, маънавий, моддий аҳволи, ишлаш-ишламаслигидан хабардор бўлмаслигига ишонгинг келмайди.

М.НАБИЕВ.

● Тадбиркорлар ўқиси!

ЭКСПОРТ КЎПАЙИШИ - ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тўғри йўлга қўйиш, ривожланган техника ва технологияларни, янгиликларни ва йирик сармояларнинг халқ хўжалигига кириб келиши ижтимоий - иқтисодий тараққиётимизни тезлаштирувчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Уларни амалга ошириш ҳозирги кундаги ҳукуматимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан энг муҳими бўлиб, мамлакатимизни импорт қабул қилаётган бозордан йирик ва маданий экспортни амалга оширувчи мамлакатга айлантиришга хизмат қилади. Бундай улкан ишларни амалга ошириш учун республикамизда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асос яратилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларда, Республикамиз Президентининг Фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва тегишли Низомларида акс этган.

Юридик шахсларнинг ташқи иқтисодий муносабатларда иштирок этишига фуқаролик қонунчилигида кўзда тутилган қоидалар асосида тасдиқланган таъсис ҳужжатлари бўлиши шарт. Чунки, юридик шахснинг фаолият уставида унинг фаолият турлари, ёинки, доираси кўрсатиб қўйилиши лозим. Юридик шахсни рўйхатдан ўтказувчи давлат муассасаси ўз ваколати доирасида уни рўйхатдан ўтказиш уставида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш кўрсатилган бўлса, унинг ташқи фаолият субъекти лаёқатини ҳам қонунан мустаҳкамлайди. Бу тарзда давлат рўйхатидан ўтиш юридик шахснинг ҳуқуқий тан олиниши бўлиб, унинг ташқи иқтисодий фаолият юритишига асос сифатида хизмат қилади. Хўш, оддий фуқаро ташқи иқтисодий фаолият деганда нимани тушунади?

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуни ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча қирраларини назарда тутади. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият нима, уни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари, асосий қоидалари, объектлари, субъектлари, уларни тартибга солувчи меъёрлар, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши, бу фаолият субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва жавобгарлиги масалаларини ҳал қилиш билан боғлиқ меъёрлар тўлиқ мужассамлашган.

Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, жумладан ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги, тенглиги ва иқтисодий мустаҳкамлиги, савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги, бу фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлиги каби жиҳатлари белгиланган. Шунингдек, ушбу қонунда манфаатлар давлат томонидан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланган. Қонуннинг 5-моддасида: "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин", дейилган бўлиб, у субъектлар доирасини белгилаб беради. Қисқаси, ушбу қонун бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги пайтда юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши учун асос бўла олади.

Ширинхон БЎРИХЎЖАЕВА,
Тошкент Давлат юридик институти "Магистратура маркази" талабаси.

Халим ҳам сумалак каби баҳорий, демакки ҳаммамиз учун тансиқ таом. Қолаверса, бу таом айни илик узилди пайтда киши танасига қувват, шифо бахш этади.

СУРАТДА: Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла аҳли ҳам бу шифобахш таомни маромига етказиб тайёрлашда ва маҳалладошларга улашишда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

● Фикр

ҚУШИҚНИНГ ҲАМ ҚУШИҒИ БОР...

Куй-қўшиқ дилларга ором беради, тушкун кайфиятни кўтаради, умрга умр қўшади. Адабиётга, санъатга ошуфта қилади. Лекин қўшиқнинг ҳам қўшиғи бор.

Биз қариялар Регистондаги чойхонада бир пиёла чой баҳона дилдан суҳбатлашиб ўтирардик. Бир пайт радиода алмойи-жалмойи, гашга тегадиган қўшиқ кетма-кет 30 марта такрорланса бўладими! Қўшиқ шунчалик асабга тегиб кетдики, энди туришга шайланганимизда Таваккал Қодиров ижро этган "Сайдинг қўявер сайёд" қўшиғи бошланиб қолди. Қайта ўтириб қўшиқни сел бўлиб тингладик.

Халқимиз севиб тинглайдиган умри боқий қўшиқларимиз турганда, савияси паст, мазмунан сайёз қўшиқларга не ҳожат? Ўсиб келаётган ёш ижрочилар -қўшиқчилар мумтоз куй-қўшиқларимизни, созларимизни бир сония ҳам унутмасликлари даркор.

Иноят НЕЪМАТОВ,
меҳнат фахрийси.

Қашқадарё вилояти

Обод маҳалла йили дастури асосида:

Аравачалар топширилди

Ногиронларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш Обод маҳалла йили дастурининг асосий талабларидан бири.

Ғузор туманининг Бўстон, Гулшан, Қўштепа қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари София Бердиева, Қаюм Маҳмудов, Жума Шукуров аҳолидан ҳомийлик ёрдами уюштириб, Қоркўмди қишлоғида яшовчи Эрали Султонов, Ғалча қишлоғилик Мусурмон Каримов, Қўштепа қишлоғидан Йўлчи Мусулмоновларга "Наврўз" умумхалқ байрами арафасида ногиронлик аравачаларини топширдилар. Унга эга бўлганларнинг икки нафари вояга етмаган ёшлардир.

Полвонлар хотирасига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганининг исботидир.

Бу борада туманда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, қишлоқда спортни ривожлантириш чоралари кўрилиб, мусобақалар уюштирилмоқда. Яқинда ана шундай мусобақалардан бири Қўштепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Яргунчи, Қўштепа, Жонбулоқ қишлоқларида бўлиб ўтди. Бу қишлоқларда яргунчилик Юсуф полвон, қўштепалик Йўлдош полвон, жонбулоқлик Қурбон полвонлар хотирасига бағишлаб кураш мусобақаси ўтказилди. Бу хотира мусобақасига тажрибали кекса полвонлар билан бир қаторда ёш полвонлар ҳам ўз кучларини синаб кўрдилар. Хотира мусобақасини ўтказишда Оҳунбобоев номли жамоа ширкат хўжалиги бошқарув раиси Ўрол Исмоилов ҳомийлик қилиб, мусобақани ўтказишга бир миллион сўмлик маблағ ажратди. Шунингдек, мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун қишлоқ аҳолиси ҳам ўз ёрдамларини аямадилар. Улар томонидан 2 бош қорамол, 7 бош қўй-эчкилар соврин сифатида берилди ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
"Маҳалла" хайрия жамғармаси Ғузор тумани бўлинмасининг раиси.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Инсоният келажагига хавф солиб турган энг хатарли иллат СПИД касаллигидир. СПИД (ОИТС) касаллиги дарди бедаво бўлиб, ҳозиргача унга қарши бирор даво топилганича йўқ. Инсон Аллоҳ қайтарган ишлардан қайтмаса, унинг бошига турли бало ва офатлар келиши мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларнинг бирида шундай марҳамат қиладилар: "Қайси бир қавмда зино авж олса, Аллоҳ таоло ўша қавмга бир балони юборадики, бу балони уларнинг ота-боболари ҳам кўрган эмас".

ЎЗИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ҲАЛОКАТГА ТАШЛАМАНГ

Маълумки, СПИД касаллигини келтириб чиқарувчи энг асосий омил зинодир. Динимизда зино гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: "Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир". (Ал-Исро, 32).

"Яқинлашманглар" деган сўзда кенг маъно бўлиб, унда зинога олиб борувчи барча сабаблардан ҳам сақланиш тушунилади.

Зинокор ўз умрига хиёнат қилган бўлади. Чунки бу гуноҳи орқали дунёда турли касаллик ва маломатларга, охиратда эса аламли азобга дучор бўлади.

Ўзининг жуфти ҳалоли унга ишониб садоқат кўрсатсаю, вафо билан жавоб қайтармасдан турли ҳаром йўлларда юриши орқали оилага қилган хиёнатини қандай баҳолаш мумкин.

Зино келажак наслларга ҳам хиёнатдир. Янги дунёга келадиган фарзандлар жирканч ишга мубтало бўлган ота-она сабабли майиб-мажруҳ, ногирон ҳолатда туғиладилар ва умрларининг охиригача машаққат билан ҳаёт кечирадилар.

Яна шундай иллатлардан бири ўтган мелодий XX асрнинг иккинчи ярмидан то биз яшаётган ҳозирги кунимизга қадар гиёҳвандлик балоси ҳам бутун ер юзи бўйлаб вабо сингари кенг тарқалиб бормоқда.

Бу разолат манбаи саналмиш афюнли гиёҳлар "лаззати"га берилиш ҳатто ўрта мактабда таълим олаётган ёшлару, институт талабалари - эркагу аёллар ўртасида баробар илдиз отиб палак ёзаётганлиги ҳар қандай ақл-идрокли кишиларни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда тоза-пок нарсаларнинг ҳалол экани ва нопок нарсаларнинг ҳаромлигини одамларга билдириш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бутун башариятга элчи қилиб юборилаётганининг қатор сабабларидан бири деб кўрсатган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: "Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром", дедилар (Имом Муслим ривояти).

Яратган Парвардигор Ҳақ китобида:

"Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!..." (Бақара - 195) ёки:

"...Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирмангиз..." (Нисо, 29) деган.

Бу билан Аллоҳ таоло инсонларнинг ўз жонига қасд қилмасликка, шунингдек ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади.

Бир ҳадиси шарифда: "Ҳар ким ўзини ўзи бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда ўша нарса билан азоб берилади", - дейилади.

Имом Аҳмад ва Ибн Можжа ривоят қилган ҳадиси шарифда: "Ислом динида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтиришлик йўқ" дейилади. Гиёҳвандликнинг зарарлари эса беҳисобдир.

Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бирга бениҳоя исрофгарчилик ҳисобланади. Исроф эса Қуръон ва ҳадис билан ҳаром қилинган. Аъроф сурасининг 31-оятида: "Еб-ичинглар, лекин исроф қилманглар, зеро Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни хуш кўрмайди" дейилган.

Ҳадиси шарифда: "Аллоҳ таоло сизларни бекорчи гап сўзлардан, кўп савол беришдан ва молни беҳуда зое кетказишдан манъ қилди", - дейилган.

Молу бойликни беҳуда ва бефойда сарф этиш шариатда ҳаром саналганидан кейин, гиёҳванд моддаларидек кони зарар нарсаларга сарф этиш нега ҳаром бўлмасин?!

Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари фақат шахс ёки жамиятгагина эмас, балки бориб-бориб бутун мамлакатнинг соғломлиги ва барқарорлигига путур етказишга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ёшлар, ҳозиримизнинг ярми бўлса, келажагимизнинг бутун бир яхлит кишиларидир. Гиёҳвандликнинг улар ўртасида тарқалиши хатарлироқдир. Зеро, ёшлар келажакдаги раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, иқтисодчилар каби мутахассис кишилардир.

Ўз навбатида гиёҳвандликнинг оилага ҳам етказадиган зарарлари талайгина.

Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислардан бирида: "Эй умматларим, агар сизлар бир-бирларингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туришликни тарк этсаларингиз, бошингизга шундай бир бало ва офат келадики, у яхши-ёмонга баробар фожеа бўлади", - деб огоҳлантирганлар.

Маълумки, гиёҳвандликнинг жисмоний ва маънавий зарарлари тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали жуда кўп маълумотлар берилди, унга бағишлаб бир қанча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қатор халқаро анжуманлар ўтказилди, гиёҳвандликка қарши чора тадбирлар кўриш мақсадида кўплаб маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилди. Лекин, афсус бу бало ва офат ҳануз ўз ишини қилиб келмоқда.

Энг афсусланарлиси шундаки, бу оғу - гиёҳванд моддаларининг кўплаб инсонлар томонидан истеъмол этилиши ундан моддий даромад орттириш мақсадида тижорат қилиниши ва жуда кўп ёш авлоднинг унинг қурбони бўлаётгани чидаб бўлмас бир ҳолдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, масъул ходимлари жойлардаги имом-хатиблар оммавий ахборот воситалари орқали радио телевидениеда турли мавзуларда чиқишлар қилмоқдалар. Шунингдек, "Ислом нури" газетаси ва "Ҳидоят" журналида гиёҳвандликка бағишланган мақолалар ёритилмоқда.

Асримиз вабоси бўлган СПИД ва гиёҳвандлик офатидан халқимизни ва келажак авлодни халос этиш ва уларни моддий ва маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда Аллоҳ таоло мададкор бўлсин!

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

● Поклик иймондандир

Олам турфа

Ажабтовур ўсимликлар

Энг катта япроқ Амазонка дарёси соҳилида ўсадиган рафия деган пальма дарахтники.

Унинг катталиги чодирдек кенг, кўмкўк барра япроғининг узунаси 22 метр, эни 12 метр, банди эса беш метрга яқин. Бундай япроқ, офтоб ёки ёмғирдан ўн кишига бошпана бўлиши мумкин.

Энг катта гул Ява оролида ўсадиган рафлезия ўсимлигиники. Унинг қалин хол-хол гули бешта қизил гулбаргдан иборат бўлиб, бамисоли гиламга ўхшайди.

Яхши очилганда айланаси бир ярим метрга етади. Бу гул шу савлатига бошқа тропик ўсимликлар илдизидан озиқланиб, « текинхўрлик билан ўсади».

Энг катта тўпгул Жанубий Осиёда ўсадиган талипот деган пальмада бўлади. Шунинг учун уни соябонгул ёки соягул ҳам дейишади. Тўпгул палмаси умрида бир марта гуллайди. Унинг узунлиги 14 метрга етади.

Энг йирик мева берадиган дарахт сейшель пальмасидир. Ҳинд океанининг ғарбий қисмида жойлашган ороллaридагина ўсадиган бу улкан дарахт йилига ҳар бири 25 килограмм келадиган 30 тача мева қилади.

Унинг ёнғоқсимон меваси ўн йилда зўрға пишади. Дарахтнинг ўзи эса саккиз юз йилча яшайди.

Тош қумғон

Ҳа, самоварга «Хонадонимиз бекаси» деб сифат бериш мумкин. Устида дамлоғли чинни чойнак, олпоқ буғ пардасига ўралиб патир-путир қайнаб турган самовар дастурхонга, чиндан ҳам ўзгача бир нафис бахш этади.

Самовар дастлаб Россияда ишланиб, ундан Ўрта Осиёга тарқалганлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин у расм бўлмасдан илгари замонда Ўрта Осиёда чой қайнатиладиган самовар тахлит рўзғор буюми бўлмаган, деган гап эмас, албатта.

Агар тарихга мурожаат қилсак Ўрта Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистонда аждодларимиз самоварга ўхшаш сув қайнатиладиган рўзғор буюмларини ясашни қадим замонларданоқ билишганини кўрамиз. Ўзбекистон Давлат Санъат музейида сақланаётган бир талай рўзғор буюмлари орасида битта галати идиш бор.

Унинг номи - тош қумғон. Кўриниши юмалоқ, чайнакка ўхшайдиган бу буюм яхлит тошдан тарашлаб ясалган. Унинг қачон, ким томонидан ясалганлиги маълум эмас. Лекин тошдан ишланганлигининг ўзи унинг тарихи қадим замонга - одамлар ҳали металлдан шундай буюм ясашни билмаган даврга бориб тақалишидан дарак беради.

А.АЛИЕВ
тайёрлади.

Олмалиқ шаҳридаги Усмон Носир номли маҳалла нафақат шаҳардаги, балки вилоятдаги обод масканлардан бирига айланган.

Суратда: Усмон Носир номли маҳалла оқсоқоли Маҳмуджон Ғафуров фаол Салима опа Робилова билан.

С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

● Маҳаллага иншоот

БОБОШБЕК ГУЗАРИ

Уни фермер Муҳаммаджон Ҳожиакбаров она насиҳатига амал қилиб ўз маблағи ҳисобидан қурди.

Фарғона вилояти

У узоқ йил ҳайдовчи бўлиб ишлади. Ҳалол ва сидқидил меҳнати туфайли кўпчилик ҳурматини қозонди. 1994 йилда касбини ўзгартириб, марказий Фарғона ерларидан 72 гектар ер олиб, деҳқончилик қила бошлади.

Муҳаммаджон меҳнатда чиниққан, тадбиркор инсон эмасми, биринчи йилиёқ кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Пахтадан ҳам, бошқа экинлардан ҳам яхшигина ҳосил етиштирилди.

Янгидан 18 гектар ер ўзлаштирилиб, умумий экин майдони 90 гектарга етди. Чорвачилик ҳам ривожланиб, қайвонлар бош сони юздан ошди. Фермер хўжалиги бўйича олинган соф фойда 10 миллион сўм атрофида бўлди.

Саодатхон ҳожи она кунлардан бир кун ўғлини ёнига ўтқазиб шундай деди:

- Менинг тириклигимда яна битта савобли иш қиласан. Ҳу, анави уйимиз рўпарасидаги жойни кўряпсанми, ташландиқ бўлиб ётибди. Шу жойни обод қиласан.

У ўз мақсадини аввал маҳалла оқсоқолига, кейинчалик Чорбоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раисига айтди. Улар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Бу орада "Муҳаммаджон ҳожи ўз ҳисобидан Бобошбек маҳалласи учун гузар қурармиш" деган хабар туман ҳокими Аъзамжон Муҳитдиновга ҳам етиб борди. Ҳоким бундай ташаббусни дарҳол қўллаб-қувватлаш керак, деди-ю у билан учрашиб, аниқ мақсадини билди. Шу тариқа "Бобошбек маҳалла гузари"да қурилиш ишлари бошланиб кетди.

Минг афсуски, шу пайтда Саодатхон ҳожи она 91 ёшида бандаликни бажо келтирди. Унга ўзи бошлатган гузарнинг биттанини кўриш насиб этмади.

Ш.ҚОДИРОВ

● Сўнгги пушаймон...

ҚОТИЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН ЭДИ...

агар оқсоқол ўз масъулиятига жиддийроқ ёндашганда...!

Шум хабарнинг қирқта қаноти бор, деган гап бу гал ҳам тўғри бўлиб чиқди. "Фалончи Пистончини пичоқлаб қўйибди" деган хабар Қаршидаги Баландов кўчаси бўйлаб бир зумда тарқалди. Маҳалладошлардан бири юз берган фожеадан ҳайратланиб ёқа ушласа, бошқаси қотилни лаънатлади.

Ҳуллас, маҳалла ва шу кўчада яшовчиларнинг ҳам тинчи бузилди. Марҳум ва қотил оиласидаги дарду аламларни айтиб, адоғига етиб бўлмайди. Аслида воқеа мана бундай кечганди: ён қўшни - жон қўшни деганларидек, Салоҳутдин Примов билан Сайфи Бўриев ўртасидан ҳам ҳали қора мушук ўтмаганди. Ҳамма машмаша Бўриевлар хонадонида ширин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқарадиган қўлбола мослама пайдо бўлгандан кейин бошланди. Дастлабки кезлар С.Примов тишини-тишига қўйиб, оғзига талқон солиб юришни маъқул кўрди. "Тўғри-да, мосламанинг арзимас шовқини деб, кўздек яқин қўшнисини ёмон отлиққа чиқариб қўйиш инсофдан эмас". Қараса, бўлмайдиган - юрса ҳам, турса ҳам, қулоқларини пахта билан беркитса ҳам станок товуши пасаймасди. Бу ёғи кексалик... С.Бўриев аппаратни ишлатаверди. Шовқинга бардош беришнинг эса ҳеч ҳам иложи топилмаяпти. Нима қилиш керак? Милицияга мурожаат этсинми? Йўқ, яхшиси, маҳалла оқсоқолига бориб, дардини тўкади. Шундай бўлди ҳам. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саттор Турдиев уч кундан кейин можаро чиққан хонадонга ташриф буюрди. Хонадон эгаси билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида гап нима ҳақда боргани бизга қоронғи, лекин шу нарса аниқки, ноқонуний йўл билан ишлатилаётган мослама фаолияти барҳам топмади. С.Бўриевнинг ўғли Зуҳриддин станокдан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлди. С.Примовнинг айтишича, у ҳатто шаҳар ҳокимига шикоят ёзиб тайёрлаб ҳам қўйган экан.

Жаҳолатга берилган одам қачондир, барибир, жаҳлдан тушиши керак. Агар у нимадир ёки кимдандир аламини ололса ҳовурдан тушиши шунчалик тезлашади. С.Примов тўйда ичкилик ичиб олди. Уйга келиб ошхонадан ош пичоқни қўйин чўнтагига солиб шаҳд билан қўшнисиникига чиқди. Эшикни тақиллатиб, уй эгасини чақирди. З.Бўриев эшикни очди. Яна ўша машмаша ўртага ташланди. Гапга Зуҳриддиннинг онаси аралашди. Салоҳутдинни ҳовлидан ҳайдаб чиқарди. Шунда С.Примов пичоқни Зуҳриддиннинг юрагига санчиб олди. Шу куни З.Бўриев шифохонада вафот этди, қотилни эса милицияга олиб кетишди, бўлган гап - шу...

Бироқ, бу фожеанинг олдини олиш мумкин эди-ку, деб сизлар ҳам тўғри мулоҳаза юритяпсиз. Бунга биз ҳам қўшилган ҳолда, айрим фикрларимизни ўртага ташламоқчимиз. Ўзингиз шоҳид бўлдингиз - бу ерда ҳамма гап станокка бориб тақаляпти. Хўш, қотилликнинг рўй бермаслигига ким кўпроқ ҳисса қўшиши мумкин эди? Балки маҳалла оқсоқоли. Биринчидан, у шикоятни текширишга уч кунни ўтказиб келди. Шу ҳолатда ҳам кўнгилсизликнинг олдини олишнинг иложи бор эди. Агар оқсоқол яширин цех очиб олган фуқарога нисбатан ўз ваколати доирасида, бўлмаса тегишли идоралар орқали тегишли чора кўришни эплай олганда бу фожеа юз бермас эди.

Шу ёшида қотилликдан ўзини тиёлмаган Салоҳутдин Примов судда тегишли жазосини олди, албатта. Қилмишидан пушаймон. Аммо, сўнгги пушмон ўзинга душман деганларидек, эндиги тавба-ю тазаррулар ёз ёмғиридек ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ!

Абдунаби МАННОПОВ

Тошкент шаҳри Миробод туманининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек маҳалласида ибратли ва байрамона тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда бу ерда шундай тадбирларнинг яна бири бўлиб ўтди.

Байрамлар кўпаяверсин...

Тадбир маҳалла оқсоқоли А. Жалилов, хотин-қизлар қўмитаси раиси Х.Ҳамидова ва бошқа маҳалла фаоллари бошчилигида ўтказилди. Унга «Кураш» Халқаро Федерацияси қошидаги Ёшлар марказидан бир гуруҳ меҳмонлар ҳам ташриф буюришди. Тадбирда байрам дастурхони безатилиб, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган Гулбаҳор Сулаймонова ва истеъдодли ёш хонанда Исмат Мирзаевларнинг қўшиқлари маҳалла аҳлининг хурсандчилигига хурсанчилик қўшди.

Тадбир сўнгида кўпгина қатнашчилар тадбирни уюштирган инсонларга миннатдорчилик билдиришиб, бу турдаги байрам тадбирлари янада кўпайишини тилаб қолишди.

Эльмира НОВИКОВА,
пенсионер

Сурхондарё вилояти

● Ҳиммати баланд одамлар

Олтинсой туманида қўли очиқ, саховатпеша инсонлар ҳақида гап кетганда саксон икки баҳор гаштини сураётган Зиёдулло ҳожи Эшмановнинг номи фахр билан тилга олинади.

Тегирмон ўзимизда бўлгач...

- Биласизми, - деди Каптархона маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Омонтурди Хўжамбердиев. - У борини кўп билан баҳам кўрадиган одам. Етим-есирнинг бошини силайди, ширин сўз айтиб кўнгил овлайди. Маҳалланинг ободончилигига ҳам қўшаётган улуши катта. Хайрли бирор тадбир ўтказадиган бўлсак иш бошида отахон туради, камкўстимизни битказади.

Ҳа, оқсоқоли айтганича бор. Ҳожи отанинг ҳиммати баландлигига у кўрсатган саховатпешалик гувоҳлик бериб турибди. Бир Каптархона маҳалласидаги эмас, балки тумандаги ўнлаб кам таъминланган оилаларнинг рўйхати унинг қўлида. Ўтган йили улардан ўн икки нафарининг ҳар бирига ўн беш минг сўмдан нақд пул берди. 700 килограмм ун, уч тонна буғдой тарқатди. Зиёдулло отага қарашли тегирмондан ҳар куни, нари борса кунора келиб иккиуч килограммдан ун олиб кетаётган кишиларнинг сони ҳам, исми-шарифи ҳам рўйхатга тиркалмаган.

Маҳалла оқсоқоли О.Хўжамбердиев эса З.Эшмановнинг сахийлигига яна бир далил келтирди.

- Ўтган йили кам даромадли кексалардан йигирма икки нафарини йиғди. Қўшни маҳалладан ҳам уларнинг сафига ўнга яқин киши қўшилиб, сафарга шайланилди. Икки тандир нон ёпилди. Икки бош қўй сўйилди. Шу тариқа пухта тараддуд билан йўлга чиқишди қариялар. Кирага олинган "Икарус" русумли автобус ўн беш кун отахонлар хизматида бўлди. Бухоро, Самарқанд, Навоий, Фарғона вилоятлари ҳатто қўшни Қирғизистон ҳамда Қозоғистон Республикаларидаги муқаддас қадамжоларни бир-бир зиёрат қилиб қайтишди. Сарф-харажат эса З.Эшмановнинг шахсий жамғармасидан тўланди.

Хўш, Ҳожибобо шунча пулни қаердан олди? Сиз, муҳтарам газетхонларда шундай савол туғилиши табиий. Қуйидаги фикрларимиз эса бунга ойдинлик киритиши мумкин.

Зиёдулла ота ёшим бир жойга бориб қолди, деб қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Унинг суяги меҳнатга қотган. Республикада хизмат кўрсатган соҳибкор фахрий унвони ҳам унинг меҳнатига берилган муносиб баҳо. Ўзи иккинчи жаҳон урушининг биринчи гуруҳ ногирони. Пенсионер бўлса ҳам "Азамат" номли фермер хўжалиги ташкил этди. Унинг экин майдони 10 гектар. Ишчилар ўзининг оила аъзолари. Техника тилаб у ер - бу ерга туртиниб юрмайди. КАМАЗ автомашинаси, "Т-4" ҳамда "Т-28" русумли тракторга эга. Ер ҳайдаш, мола босиш, эгат очиш, уруғ экиш, юк ташиш ишларининг бари ана шу техникалар орқали амалга оширилади.

Кекса фермер эришаётган муваффақиятларни барчага ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 81 центнерни ташкил этди. Гектаридан 50 центнердан пахта териб олинди. Узум тайёрлаш кўрсаткичи 160 фоиздан ошди. Хўжаликнинг ялпи пул даромади ўн миллион сўмга етди. Унинг икки миллион сўмдан ортиғи соф фойда. Булар Ҳазрат, Панжи, Қоржов, Ҳасан, Назир, Худойқул Эшмановлар қилган фидокорона меҳнатнинг натижаси. Уларнинг бу йилги режалари янада салмоқли, кўзлаган марралари улкан. Пахта, ғалла майдонларида, токзорларда шунга яраша иш олиб боришяпти.

Яна бир гап. Олтинсой тумани меҳнаткашлари ҳаётидан ҳавас билан тилга олса арзийдиган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миршоди қишлоқ фуқаролари йиғини ана шулардан бири. Маҳалланинг ишчан, тадбиркор оқсоқоллари, қишлоқ йиғини раиси Бобоназар Тошбоев раҳбарлигида барча имкониятларни ободончилик йўлига сафарбар этмоқдалар. Американинг нодавлат, нотижорат ташкилоти билан ўрнатилган ҳамкорлик туфайли Қурама маҳалласидаги С.Айний номли мактабда 3 миллион 149 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Маблағнинг 29 фоизи маҳалла аҳли зиммасига тушди. Қолган қисмини америкалик ҳамкорлар тўлади. Улар мактабга яна 12 дона компьютер, 12,5 миллион сўмлик ўқув анжомлари билан ёрдам қилишди. Ал-Бухорий номли 14-ўрта мактабнинг томи таъмирланди.

Ҳа, Олтинсойда ҳиммати баланд, саховатпеша одамларнинг сай-ҳаракатлари туфайли бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликлар аста-секин ортда қолмоқда, одамларнинг ҳаёти чароғон, турмуши фаровонлашиб бормоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Фикр

Тўй бўлаётган хонадон файзли, фариштали бўлиб туради. Одатда хатми-қуръон тиловат қилиниб келин-куёвга яратгандан эзгу тилаклар билдириб дуолар қилинади.

ИЧКИЛИКСИЗ ТЎЙ - ЎТАДИ ХУШРЎЙ

Буни биламизу, нега бажармаймиз?

Айрим ҳолларда эрталаб қилинган яхши ниятларни тушлик вақтига бориб ароқ билан ювиб юборилади. Домла, имомга Аллоҳ йўлида дуолар қилдирамизу, неча минг сўмлик шайтони-лаъин сувини харид қилиб, гуноҳни қимматбаҳода сотиб оламиз. Ичкиликбозликка шарт-шароит яратиб берамиз. Қадаҳдаги заҳри қотилни сипқориб яхши тилаклар айтамиз. Бу ҳолат маҳалла фуқаролар йиғини раислари, фаоллар фаолиятининг суслигидан эмасми? Токайгача тўйларни кам чиқим қиламиз деб йиғилишларда дабдабали сўзлар айтамизу, амалда эса кўрсатолмаймиз. Албатта ибратли маҳаллалардаги ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бироқ оз бўлсада учраб тураётган юқоридаги ҳолатлар барҳам топиб бормаса келажакка ҳам етиб боради-ку.

Яна бир масала. Тўйга одатда таклиф этилганлар келишлари керак. Баъзи ёшларга ҳайронман. Қўшни маҳаллада карнай овози эшитилса бас, индамай тўйхонага кириб бораверади. Ота-оналар, маҳалла йиғини бу масалада ҳам жиддий ўйлаб кўришлари керак. Тўйга келган "ҳофиз" дискет билан жон сақлаб пул тўплаш билан овора. Ахир маҳалладаги тўйга таклиф этилган катта-кичик, ёшлар орасида ажойиб қўшиқчи, лапарчи, раққос ёки раққоса, шеърлар машқ қилиб юрувчи ҳаваскор қаламкашлар, қизиқчи-аскиячилар тўй базмини миллийлик руҳида сценарий асосида ўтказишлари мумкин-ку.

Сойибжон СОБИРОВ.

● Тадбир

Тошкент вилояти

ҲАРБИЙ ҚИСМ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Қуёшли маҳалласи ҳудудида ҳарбий қисмларимиздан бири жойлашган.

Маҳалла аҳли барча байрам тадбирларини ҳарбий қисм билан биргаликда уюштириб, ҳамжиҳатликда ўтказади. Бу яхши анъана бир неча йилдан бери давом этиб келмоқда. Бу каби ҳамкорликнинг яна бир ўзига хос ижобий жиҳати борки, у ҳам бўлса маҳалла ўспиринларининг ҳарбий қисмда хизмат ўтаётган аскарларга ҳавас қилиб, келгусида Ватанга хизмат қилишдек олийжаноб ният билан улғаяётганлигидир.

Яқинда бу ерда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги ташкилотчилигида «Миллий армия - мустақиллигимиз таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир ҳарбий қисм аскарларининг ҳарбий намойиши билан бошланди. Давра-суҳбатида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Миллий армия - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли асарининг моҳияти ва мазмуни юзасидан маърузалар қилинди.

Маҳалла ҳудудидаги болалар богчасининг кичкинтой тарбияланувчилари ижросидаги бадиий чиқишлар, ҳарбий аскарлар театри ижросидаги «Баҳорнинг биринчи япроғи» номли спектакл намойиши тадбирга ўзгача файз киритди.

Мухбиримиз.

● Талаба фикри

ЧАНГ ҚАЕРДАН КЕЛМОҚДА?

Эрамизнинг 1 асридаёқ, Рим файласуфи Сенека ёзган экан: "Римни аччиқ, сассиқ ҳавосини тарк этишим билан ўзимда енгил руҳий тетиклик ҳис этаман". Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли атмосфера ҳавоси таркибида газ, чанг, қурум, қаттиқ заррачалар шаҳарларда қишлоқ туманларига нисбатан кўп.

Кейинги вақтда ҳар томонлама тараққиёт жараёни, инсоният ўзига турли қулайликларни таъминлаш экологик ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Ер юзида урбанизация жараёни жуда тезлик билан ўсиб бориши оқибатида янги-янги шаҳарлар пайдо бўлмоқда. Дунёдаги шаҳарларнинг умумий майдони 0.5 млн. кв км ни, яъни ер курраси майдонининг 0.3 фоизини ташкил этади. Дунё аҳолисининг 45 фоиз аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда яшайди. Шаҳар аҳолиси Шимолий Америкада бутун аҳолининг 74 фоизини, Европада 69 фоизини, Буюк Британияда 80 фоизини ташкил этади. Республикамиз эгаллаган майдон Ўрта Осиёни 1/3 қисмини, бутун аҳолисининг 60 фоизини ва шаҳар аҳолисининг 62 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти қишлоқ жойларида истиқомат қилади, шаҳар аҳолиси 41.99 фоизни ташкил этади.

Ер юзида аҳоли зич жойлашган, саноат ва транспорт ривожланган йирик шаҳарлар кўп. Шаҳар, қишлоқ ва сув хавзалари ҳавосидаги чанглар ер юзасининг рельф хусусияти, тузилиши, баландлиги, ҳатто унинг географик ўрнига қараб турли миқдорда учрайди.

Кейинги юз йил ичида дунёдаги йирик шаҳарлар метеорологик станциялар, телемино-раларда, баланд уйлар томида кундалик кузатишлар ва сунъий йўлдошлардан олинган махсус фотоахборотлар асосида кузатилди. Маълум бўлишича, катта-кичик шаҳарларда ҳаво ҳароратини атрофга қараганда баланд бўлишлиги ва ўзига хос "иссиқлик" оролиқ вужудга келганлиги ҳамда шаҳар устида 300-500 метр қалинликда ҳарорат энверцияси пайдо бўлгани кузатилди.

Шаҳар ҳавоси таркибидаги ҳар хил заҳарли газлар айниқса антропоген чанглар транспортлар, саноат, иситиш иншоотлари ва қурилишлардан чиқади. Шаҳарларда ҳаво айланишининг (циркуляция) сустлиги туфайли диаметри 4-10 микрон чанглар 1 км баландликкача кўтарилиб, радиуси 10 км бўлган майдонга тарқалади. Диаметри каттароқ (10 микрондан катта) бўлган чанглар унча юқорига кўтарилмай атрофга ёйилиб, 300-500 метр баландликларда учиб юради ва сўнгра шаҳарга чанг, қурум сифатида қайтиб тушади.

Шаҳар ҳавосининг ифлосланиб, чанг миқдорининг кўпайиши ультрабинафша нурларнинг ўтишини камайтиради, бу эса ҳавода касал тарқатувчи бактерияларнинг кўпайишига шароит яратади.

Республикамизнинг катта шаҳарларида ҳавонинг тозалиги доимо кузатиб турилади. Лекин шаҳарлар ҳавосини тоза сақлаш устидан назорат инспекцияларининг амалга ошираётган ишларига қарамай, баъзи корхоналарда тозаловчи иншоотларнинг йўқлиги туфайли атмосферага чанг, қурум ва заҳарли газларни чиқариб юбориш ҳоллари рўй бермоқда. Таркибида турли металлар тўплами, ойнашиша қолдиқлари бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай, тўпланиб қолган чиқиндилар кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда чиқинди ва ахлатларни қайта ишлайдиган, ёқадиган заводлар йўқ. Тезликда зарарсизлантирувчи заводларни қуриш, чиқинди ва ахлатларни йиғиб, уни зарарсизлантириш янги технологияларини яратиш кўпгина экологик муаммоларнинг олдини олиши мумкин.

Лазиз МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат Молия институти, Кредит-банк иши куллиёти талабаси.

● Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

«РАҚТ» ЭМАС, «ЗАҲТ» ЭДИ

ёки бир байт талқини хусусида

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ

Ғафур Ғулом улуғ шоир ва адиб бўлиш билан бирга катта олим ҳам эди. Унинг хусусан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга қўшган ҳиссаси, шоир меросини кенг халқ оммасига етказишда кўрсатган хизматлари ҳаммага маълум ва манзур.

Шоирнинг эл оғзига тушган буюк ишларидан бири ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини лотин ҳарфида насрий баёни билан нашрга тайёрлаш бўлган эди, - десам хато бўлмас. Маълумки, бу достон бундан беш юз йил олдин ёзилган, унда ўша давр адабий тилига хос архаик сўзлар, арабий ва форсий иборалар кўп бўлиб, улар туфайли мазкур асарни замонавий китобхонларнинг тушуниб, англаб етиши қийин эди. Навоий тили ва услубидан яхши хабардор Ғафур Ғулом бу асарнинг ҳар бир байтини ҳозирги ўзбек тилида, тушунарли қилиб беришга, қийин иборалар-нинг мағзини чақиб, изоҳлашга ҳаракат қилган.

Бугина эмас. Бу достоннинг насрий баёни тўкистугал, мумкин қадар илмий жиҳатдан аниқ бўлиши учун у асарнинг дуч келган, чала-чулпа нусхаси бўйича эмас, энг тўғри қадимий қўлёзма нусхаси бўйича иш олиб борган. Бунинг исботи учун мен бу ўринда бир байтни мисол қилиб келтириб, шу байт орқали шоирнинг ўта зукко бир ижодкор бўлганини кўрсатмоқчиман.

Достоннинг 28-бобида диққатчилигини ёзиш учун Фарҳоднинг отаси - Ҳоқон билан биргаликда денгиз сайрига чиққани ҳикоя қилинган. Унда сув остидаги ранг-баранг жониворлар ҳаёти тасвири бор тафсилоти билан берилган. Шу жумладан, катта балиқ-акулалар майда балиқларни қандай овлагани ҳақида ҳам гап борар экан, буни Навоий бир байтда маҳорат билан, ғоят жонли ифодалаган.

Аммо бу байт турли ёзма ва босма нусхаларда икки хил ёзилган бўлиб, жумладан "Хамса"нинг XIX аср бошида кенг тарқалган тошбосма нашрида у қуйидагича берилган:

Балиғ сайд айлабон ҳар ён наҳанге,
Нечукким ранг(?) сайд этган паланге.

Мазмуни:

Акулалар ҳар ёқда балиқ овлашар экан,
Гўё ранг (?) йўлбарсларни овлашаётгандек эди.

Бу ердаги "ранг" сўзи хато ёзилган бўлиб, бу хато лиқларни худди йўлбарсни ҳабашлар сайд қилгандай овлаб юради".

Навоий асарининг бошқа қўлёзма нусхаларидан ҳам ўрин олган. Масалан, Навоий денгиздаги шу сайр манзарасига оид саркарни бир мактубида келтирар экан, у ерда ҳам шу хато айнан такрорланган (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том, Т, 1998, 145-саҳ). Ҳатто бу асарнинг илмий-танқидий матнида ҳам аҳвол шундай.

Аслида бу байт қуйидаги шаклда бўлиб, унда "ранг" сўзи "занг" деб ёзилиб, "ҳабаш" деган маънони беради:

Балиғ сайд айлабон ҳар ён наҳанге,
Нечукким занг сайд этган паланге.

Бу байтни Ғафур Ғулом аслидагича тўғри ёзиш билан бирга, унинг мазмунини ҳам тўғри берган: "Катта балиқлар ҳар тарафда майда балиқларни ҳабашлар сайд қилгандай овлаб юради".

Кейинчалик Ғафур Ғуломнинг бу насрий баёнини мен қайта нашрга тайёрлар эканман, уни ўқувчиларимизга бироз ўзгартириб, мана бу шаклда тақдим этган эдим:

"Катта балиқлар ҳар тарафда майда балиқларни худди ҳабашлар йўлбарсни овлагандай овлаб юрадилар". (Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин". Т., 1975, 100-саҳ).

Демоқчиманки, Навоий асарлари бўйича қандай иш олиб борилмасин, бундаги биринчи муаммо уларнинг матнига бориб тақалади. Бу достонни насрлаштираётганида Ғафур Ғулом яхши қўлёзмаларга суянган, шу асосда тўғри фикрлаб, тўғри хулосаларга ҳам кела олган.

● Премьерадан сўнг...

«ГАМЛЕТ» МИЛЛИЙ ТЕАТРДА ҚАЙТА «ТУҒИЛДИ»!

Гамлетни ўйлантирган абадий жумбоқни биз қай даражада англамоқдамиз?

«...Қизиқ, Шекспирнинг «Оттело»си, «Ромео ва Жулетта»си, «Гамлет»и асар бўлиб яралгандан бери неча марта саҳна юзини кўрган экан? Буни ҳисоблаб чиқишнинг имкони бормикан? Бордию ҳисоблаб чиқилганда ҳам бу ҳисоб жуда катта рақамларда ифодаланса керак...»

Миллий академик драма театрига, «Гамлет»нинг премьерасига кета туриб шу саволлар хаёлимдан кечди. Очиғи, «Гамлет»ни шу кунгача на ойнаи жаҳонда ва на саҳнада кўрмагандим, уни мутолаа қилгандим, холос. Ўйлашимча, премьерага келган томошабинларнинг аксарияти ҳам уни илк бор кўраётган эдилар. Чунки бундан бир неча йиллар аввал, Аброр Ҳидоятов «Оттелло»ни талқин этган кезларда, «Гамлет» ҳам саҳналаштирилган, уни марҳум Олим Хўжаев қойилмақом қилиб ижро этган эди. Демак, ушбу премьера «Гамлет»нинг бир театр саҳнасида яна бир бор қўйилиши, таъбир жоиз бўлса «туғилиши» эди.

...«Гамлет»ни кўриш - энг кўҳна жумбоққа - «Дунёда эзгуликнинг қўли баландми ёки ёвузликнинг?» деган саволга тўқнаш келишдир. Бу жумбоққа жавоб излаш истаги кимнингдир хаёлидан бир сирғалиб ўтиб кетса, кимнидир неча кунлар, ойлар, ҳатто йиллар давомида ҳаловатидан айиради...

Премьеранинг ўзига келсак, шубҳасиз у театр мухлислари учун ажойиб туҳфа бўлди. Асарнинг бу галги саҳналаштирилиши Гамлет ролини ижро этган актёр Тоҳир Саидовнинг ижод йўлида муҳим воқеалардан бири бўлганлиги ҳам шубҳасиз. Унинг актёрлик маҳоратини баҳолаш соҳа мутахассислари, театршунос танқидчиларга ҳавола. Лекин шуни эътироф этиш жоиз: Тоҳир Саидов Гамлетнинг кечинмаларига томошабинларни ишонтира олди, қайғу-ғамларига шерик қила олди. Умуман спектаклга жалб этилган актёрлар ансамблида уйғунлик сезилиб турарди. Саҳналаштирувчи режиссер, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовнинг, саҳналаштирувчи бош рассом Бахтиёр Тўраевнинг маҳоратлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Шу ўринда бошқа бир мулоҳаза: бугунги кунда театрларимиз томошабинга яхши асарлар тақдим этишга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар ва бунга эришмоқдалар. Лекин биз, томошабинлар бу саъй-ҳаракатлар асосида машаққатли, ижодий меҳнат борлигини тўғри англаяпмизми? Бу саҳна асарларидан қай даражада баҳраманд бўла олаяпмиз? Саҳнада тер тўкаётган ижодкорнинг қадрига етмоқдамизми? Мисол учун, айнан «Гамлет» спектаклига ёш бола билан келиш мумкинми? 4-5 ёшли қизалоққа саҳнада ўйналаётган трагедиянинг қизиғи йўқ албатта. У онасига, томошабинларга спектакл давомида тинмай халақит берди, холос.

У-ку мурғак бола, лекин премьерага турли театр-санъат йўналишидаги ўқув масканларидан ташриф буюрган талабаларнинг томоша давомида ҳуштак чалиб, қийқириб кулиб ўтирганларини қандай изоҳлаш мумкин? Улардан келажакда санъат, театр арбоблари етишиб чиқиши керак-ку! Ҳарҳолда улар шу соҳада таҳсил олмоқдалар. Бироқ айни дамда уларга санъат сирларини ўргатишдан аввал, санъат асаридан баҳраманд бўлиш, томоша қилиш маданиятидан сабоқ берилиши даркорга ўхшайди.

Нима бўлганда ҳам, премьера муваффақиятли ўтди. Шекспир бу асарини яратиб, ўзининг «Глобус» театрида саҳналаштиргандан буён дунёнинг неча бурчагида неча минг дафъа саҳнага чиққан «Гамлет» Миллий академик театримиз саҳнасини ҳам, томошабин қалбини ҳам яна бир бор забт этди.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

● Истеъмолчи ҳуқуқи

ЯНГИ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалла гузарида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" нодавлат нотижорат жамиятининг Шайхонтоҳур тумани бўлими раҳбарларининг маҳалла фаоллари билан мулоқоти ўтказилди.

Йиғилишда жамиятнинг туман бўлими раҳбари Шоира Раҳимбекова ушбу ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берди. Чунончи, бутун туман миқёсида ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бош вазифа деб билган ушбу жамият албатта ўз фаолияти мобайнида аҳоли ёрдами ва қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. Шу боис йиғилишда ўзаро ҳамкорлик масалалари келишиб олинди. Жумладан, маҳаллада "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш" таянч пункти очишга қарор қилиниб, шу куниёқ маҳалла фаоллари орасидан ушбу пунктга бошчилар сайланди.

Аъзам ДАДАХОНОВ.

Кутлов!

Азизларимиз —АРОФАТХОН ва НАЗОКАТХОН! Сизни таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этамиз. Оиламиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг, ойдек чеҳрангизни ҳеч қачон табассум тарк этмасин!

АБДУРАШИД, УЧҚУНЖОН, УЙҒУНЖОН ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗ.

Расмларни Ҳ.СОДИҚОВ чизган

Билмасангиз, билиб олинг!

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

● Эшитмадим, деманглар!

ГУМОНДОРГА «ТЕЗ ЁРДАМ»!

Тошкент шаҳрида ташкил топган 50 кишилик адвокатлар гуруҳи жиноятда гумон қилинган шахсга ҳар қандай вазиятда, кечаю кундуз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

«... Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак».

Ислом КАРИМОВ.

Биз кўникиб қолган ҳолатларга кўра кўпинча адвокат хизматидан фойдаланиш асосан жиноий иш қўзғалгандан сўнг, баъзан эса тергов жараёнидан кейин бошланади. Аслида эса жиноят қилишда гумондор шахс ушланган лаҳзаданоқ бундай ёрдамга муҳтож бўлади. Хўш, бу борада қандай янгиликлар бор? Бу савол билан Тошкент шаҳар адвокатлар Ҳайъати раҳбари Гулнора* ИШАНХОНОВА *га мурожаат қилдик.

- Биз мустақиллик йиллари давомида ҳар соҳа бўйича халқаро стандартларга босқичма-босқич мослашмоқдамиз. Шу жумладан адвокатлик фаолияти ҳам. Аввало, республикамизда адвокатлик фаолиятига оид тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг ҳаммаси халқаро меъёрлар асосида тузилган. Лекин уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ўз-ўзидан ёки тезда кечадиган жараён эмас. Бунинг учун фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш талаб этилади. Биз фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини тўлиқ билиб, уни талаб қилишга қодир бўла олсаларгина ҳуқуқий демократик давлатни шакллантира оламиз. Шунинг учун бугунги кунда айнан шу масалага эътибор кучли. Эътироф этиш керак, фуқароларимизда ҳам ҳуқуқий билимларга чанқоқлик бор. Бу борада халқаро жамоат ташкилотларининг ёрдами беқиёс бўлмоқда. Мана, яқинда Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси (Сорос жамғармаси) томонидан қўллаб-қувватланган бир лойиҳани ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этишни бошладик. Лойиҳага кўра, Тошкент шаҳар адвокатлар Ҳайъати томонидан эллик нафар адвокат белгиланиб, улар жиноятчилик бўйича гумон қилиниб, ушланган ҳар бир шахсга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга кечаю кундуз тайёрлар. Ушланган шахс ёки унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар гумондор ушланган вақтдан бошлаб ҳуқуқий ёрдам сўраб ушбу адвокатлардан бирига мурожаат қилишлари мумкин. Адвокат билан маблағ йўқлиги сабабли битим тузила олинмаса, у ҳолда ҳуқуқий ёрдам уч кеча-кундуз давомида грант ҳисобидан, ундан кейин эса давлат ҳисобидан амалга оширилади. Бундан мақсад, тергов жараёнида ҳар қандай тазйиқнинг олдини олиш, фуқаролар манфаатини ўйлашдир. Гумон билан қўлга олинган шахс дабдурустдан нима қилишини билмай довдираб қолиши, руҳий тушкунликка тушиши турган гап. Шундай ҳолатда унга энг биринчи зарур нарса бу - адвокатнинг ҳуқуқий ёрдами бўлади. Чет эл фильмларида шундай ҳолатга кўп гувоҳ бўлганмиз: бирон бир шахсни ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланганда ушланувчининг ҳуқуқлари унга албатта эслатиб ўтилади. Яъни «Сиз сукут сақлашга, кўнғироқ қилиш ва адвокат олиш ҳуқуқига эгасиз» қабилида. Бу тартиб-қоида халқаро миқёсда қўлланилади. Лекин айни кунда бизда бу тартиб-қоидага қатъий риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Фуқароларимизнинг ўзларини ҳимоя қилишларига кўпроқ имконият яратиш мақсадида биз адвокатларимиз рўйхатини матбуот нашрларида эълон қилишдан ташқари ҳар бир туман ички ишлар бўлинмаси биноларида кўринарли жойда кўргазма сифатида туришига эришмоқдамиз. Бундан ташқари лойиҳа доирасида кичик ҳажмдаги қисқа ва лўнда маълумотлар тўпланган ҳуқуқий қўлланмалар, китобчалар, ташвиқот-тарғибот ишларида жуда қўл келадиган деворий плакатларни тайёрлаб, маҳаллаларга, мактаблар ва бошқа ташкилотларга тарқатамиз. Ўйлаймизки, бу саъй-ҳаракатларимиз фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

МУХБИРИМИЗ суҳбатлашди.

МУНАЖЖИМЛАР МАЪЎРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларни муҳаббатга ошуфта ҳолда, қалбингиз ҳис-туйғуларга лиммо-лим бўлган ҳолатда ўтказасиз. Ва турган гапки, ишлаш ҳозирча кўнглингизга сиғмайди.

СИГИР(22.0420.05)

Муҳим масала юзасидан сизга маслаҳат берувчилар беҳисоб бўлиши мумкин. Лекин уларни ҳафа қиладиган жавоб бермангу, ўз билганингиздан қолманг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Дам олиш кунлари шаҳар ташқарисидаги табиат қўйнига саёҳат қилишни таклиф қилсалар, зинҳор-базинҳор рад эта кўрманг. Айни кунларда бундай тадбир сиз учун фойдали.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муаммолар хусусида бир нечта киши билан, ҳатто яқинларингиз билан жиддий тротишасиз. Бу тортишувларнинг бари бефойдалигини ҳисобга олинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда моддий жиҳатдан бироз қийинчилик сезмоқдасиз. Аксига олиб, сарф-ҳаражатларингиз ҳар қачонгидан кўпроқ. Лекин қалтис ишга қўл урманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Сиз келаси чоршанбагача соғлиғингиз ҳақида қайғурсангиз, ўзингиз учун катта яхшилик қилган бўласиз. Сиз ташвишланаётган юмушлар бироз кутиб туриши ҳам мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Дам олиш кунларини, ҳатто иш кунларини яқин дўстларингиз даврасида, хушкайфиятда ўтказасиз. Янги иш ҳафтасида эса йиғилиб қолган ишларни тезкор адо этишга мажбурсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Фарзандлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ортиқча қизишмасдан, барча сабаб ва ҳолатларни ўрганган ҳолда ҳал этишни тавсия этамиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Кўпдан бери режалаштираётган юмушларингизни битиришга ҳаракат қилмоқдасиз. Лекин шу кунларда бунинг мавриди эмас, воқеалар ривожига қараб иш тутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Баҳорий кайфият таъсирида юрибсиз. Унутмангки, атрофингиздаги кишилар ҳам шундай кайфиятда юрган бўлишлари мумкин. Шунинг учун хушмад қилишда эҳтиёт бўлинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Раҳбарият билан арзимаган масала юзасидан тортишиб қолишингиз мумкин. Сиз ҳақ бўлганингизда ҳам бундай қилиш ярамайди. Буни ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Қандай ҳолатда қолишингиздан қатъий назар тушкунликка тушманг. Хотиржамликка эришиш учун бу дунёда ҳеч ким, ҳеч нарса боқий эмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Шимингни почаси узилдими, қизим?

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7790 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-239 Топширилди — 21.00